

4-dekabr  
2025-yil 48 (1 150)

O'ZLiDeP

# XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

## Амир ТЕМУР:

Таърибамдан маълум  
бўлдики, кенгаш  
икки турли бўлур.  
Бири – тил учида  
айтилгани, иккинчиси –  
дилдан чиққани. Тил учида  
айтилганини (шунчаки)  
эшитардим. Дилдан  
айтилган маслаҳатни эса  
қалбим қулоғига қуярдим  
ва дилимга жойлардим.

### O'zLiDeP VA DUNYO

## ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: СИЁСИЙ КУЧЛАР БИРДАМЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи (ЕИ) билан муносабатлари динамик тарзда ривожланмоқда, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги bosqichiga ўтилмоқда. Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши кенг кўламли қўшма ташаббуслар учун мустақам ҳуқуқий асос яратди. Иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш, инфратузилмани модернизация қилиш, “яшил” энергетика ва рақамли технологияларни ривожлантириш устида фаол ишлаш имкони яратилди.

Биз инвестиция, фан, таълим ва гуманитар соҳаларда алоқаларнинг сезиларли ўсишини кузатмоқдамиз. Кичик ва ўрта бизнес, инновацион лойиҳалар қўллаб-қувватланишига, шунингдек, транспорт ва логистика соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон давлат сиёсатидаги барқарорлик ва прагматизм, шунингдек, Европа Иттифоқининг янги имкониятларга очиқлиги туфайли мамлакатимиз ҳақли равишда ишончли шерик сифатида қабул қилинмоқда. Ўзбекистоннинг ЕИ билан ўзаро муносабатлари барқарор иқтисодий ривожланишга, фуқаролар фаровонлигини оширишга ва мамлакатнинг жаҳон жараёнларига интеграциялашувига тобора кўпроқ ҳисса қўшаётгани шубҳасиз. Ишончим комилки, Европа Иттифоқи билан



ҳамкорликни янада чуқурлаштириш халқимиз манфаати йўлида янги имкониятлар уфқини очади.

Бугунги кунга келиб, қўшма лойиҳаларнинг умумий портфели 30 миллиард евродан ошган бўлиб, Европа инвестиция банки минтақавий ваколатхонасининг очилиши шерикликнинг янги bosqichiga чиққанидан далолат беради. Энергетика, рақамлаштириш, транспорт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар Европанинг Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга ишончини мустаҳкамлайди ва мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришларнинг юксак баҳоланаётганини тасдиқлайди.



Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кенгайтирилган стратегик шериклик янги мазмун билан бойиётганини таъкидлаш жоиз. Президент Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ўртасидаги учрашувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosqichga олиб чиқди. Натижада саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва молия соҳаларида қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Европа компаниялари учун махсус саноат зонасини ташкил этиш, маданий ва таълим алмашинувларини фаоллаштириш Ўзбекистон – Венгрия муносабатларининг мустақам амалий асосини шакллантирмоқда.

2

## ҚУРАМА ТОҒ ТИЗМАЛАРИ БАҒРИДА...

ёхуд замонавий технологиялар, рақамли бошқарув ва инсон капитали уйғунлашган аср мўъжизаси



3

### БУГУНГИ СОНДА:



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

4с



РАҚАМЛИ ИНҚИЛОБ ИНСОН ОМИЛИНИ  
КАМАЙТИРМОҚДА, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРМОҚДА

4с



ОЛДИНДА БИЗНИ НИМАЛАР КУТЯПТИ?  
ChatGPT билан суҳбат

6с



### ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Бағрикенг, меҳр-оқибатли халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан самимий муборакбод этади! Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродамиз ҳамиша эзгу мақсадларимизга ҳамоҳанг бўлмоғини, сиёсий маданиятимиз, конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларимиз тобора ортиб бормоғини тилаймиз. Байрамингиз муборак бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: СИЁСИЙ КУЧЛАР БИРДАМЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

“Фидес” партияси Венгриянинг замонавий сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди ва ўн йилдан ортқ вақт мобайнида мамлакатнинг ички ва ташқи ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб келмоқда. Виктор Орбан раҳбарлигида “Фидес” суверенитет, миллий манфаатлар, ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ва фаол ташқи сиёсат тамойилларига асосланган барқарор давлат бошқаруви моделини шакллантирди. Партиянинг парламент сайловларидаги кетма-кет ғалабалари унинг жамоатчилик ишончига эга эканини ва узоқ муддатли модернизация дастурларини амалга ошириш имкониятини таъминлади.

“Фидес”нинг ташқи сиёсат фаолиятида кўп қутбли ҳамкорлик вектори, шу жумладан, Осиё мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, партиянинг Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) билан боғлиқ форматлардаги иштироки стратегик аҳамият касб этмоқда. Будапештда ICAPP доирасидаги олтинчи “Осиё ва Европа” сиёсий форумининг ўтказилиши Венгриянинг партиялараро даражада қўлалараро сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга интилаётганининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Форумга мезбонлик қилган “Фидес” институционал етуқликнинг юқори даражасини ва Европа ҳамда Осиё ўртасида янги ишонч майдонларини шакллантириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигини намойиш этди. ICAPP билан ўзаро ҳамкорлик орқали партия Евроосий коннективлиги, сиёсий мулоқот ва барқарор ривожланиш ёғларини изчил илгари сурмоқда. Шу билан “Фидес” нафақат Венгриянинг етакчи сиёсий кучи ролини, балки глобал сиёсий тизим трансформацияси шароитида минтақалараро ҳамкорликнинг янги архитектурасини шакллантиришнинг фаол иштирокчиси сифатидаги мавқеини ҳам мустаҳкамламоқда. Форумнинг Венгрия парламенти майдончасида ўтказилиши партиялараро дипломатиянинг глобал трансформацияси шароитида барқарор халқаро муносабатларнинг муҳим воситаси сифатидаги ўсиб бораётган аҳамиятини намойиш этди.

Қайд этиш зарурки, O’zLideP вакили Осиё сиёсий партиялари халқаро конференциясининг бошқаруви органи ҳисобланган Доимий кенгаши аъзолари таркибига киритилган. O’zLideP ушбу халқаро тузилманинг барча тадбирларида фаол иштирок этиб, Ўзбекистоннинг Осиё ва Европа маконидagi партиялараро ҳамкорлик тизимидаги мавқеини изчил мустаҳкамламоқда.

Будапештда бўлиб ўтган “Осиё ва Европа” сиёсий форумининг олтинчи йиғилишида O’zLideP делегациясининг ҳам фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу халқаро майдон икки қитъанинг етакчи сиёсий партиялари раҳбарларини, шунингдек, тахлилий ва тадқиқот марказлари вакилларини бирлаштириб, глобал

ривожланиш истиқболлари бўйича фикрлар, тажрибалар ва қарашлар алмашинуви учун қулай шароит яратганини эътироф этамиз. Муҳокамалар марказида барқарор иқтисодий ўсиш, халқаро коннективлик, ишончли мустаҳкамлаш ва минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўлиб, булар Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий устуворликларига тўлиқ мос келади.

Осиё Сиёсий партиялари халқаро конференцияси доирасидаги олтинчи “Осиё ва Европа” форуми ишонч, ўзаро хурмат ва стратегик ўзаро боғлиқлик тамойилларига асосланган минтақалараро сиёсий мулоқотни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. O’zLideP раҳбари сифатида форум муҳокамалари марказида иқтисодий кооперация, барқарор ривожланиш, рақамли трансформация ва Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасидаги парламентлараро мулоқот масалалари турганини, айниқса, муҳим деб биламан. Бу йўналишлар партиямиз қарашларига ҳамроҳанг бўлиб, унда тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётнинг замонавий инфратузилма асосини шакллантириш устувор ўрин тутди.

Будапештдаги форум шуни яққол намойиш этдики, бугунги кунда айнан партиялараро механизмлар глобал ўзаро боғлиқлик, барқарор таъминот занжирлари, логистика, энергетика хавфсизлиги ва ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига қелишибилган ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали майдонга айланмоқда. Сунги йилларда очилди ва жаҳон иқтисодиётига интеграция сиёсатини изчил амалга ошираётган Ўзбекистон учун бу формат алоҳида аҳамиятга эга.

O’zLidePнинг Сайловолди дастурида миллий бизнес манфаатларини халқаро бозорларда фаол илгари суриш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда илғор бошқарув ва технолофик ечимларни жорий этиш вазифаси белгиланган. Айнан шундай устувор йўналишлар Будапешт форуми кун тартибида ҳам акс этди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорлик

асоси сифатида Евроосий коннективлигини ривожлантириш билан боғлиқ Венгрия ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқ. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган ва муҳим транзит ҳамда логистика занжирини ролига даъво қилаётган Ўзбекистон учун бундай ёндашув, айниқса, долзарбдир. O’zLideP транспорт коридорларини кенгайтириш, халқаро савдони ривожлантириш, божхона ва логистика жараёнларини рақамлаштириш, айниқса, экспортга йўналтирилган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш заруратини таъкидлаб келмоқда.

\*\*\*

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон – Венгрия стратегик шериклиги доирасида ушбу партиялараро мулоқот янги босқични бошлаб бермоқда.

O’zLideP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов “Фидес” партияси вице-президенти Кинга Гал хоним ҳамда Венгрия Миллий Ассамблеяси Ташқи ишлар қўмитаси раиси Жолт Немет билан кечган суҳбатларда сиёсий партиялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, партиялараро ва парламентлараро мулоқотни кенгайтириш масалалари атрофига муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги муносабатлар кенгайтирилган стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ва очик мулоқот икки мамлакат ҳамкорлигининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда иқтисодий лойиҳалар, қўшма инвестиция ташаббуслари, саноат кооперацияси, агросаноат, таълим, туризм ва маданий алмашинув соҳаларида ўзаро фаол ҳамкорлик юритилмоқда.

Учрашувларда айнан шу йўналишлардаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилиниб, икки давлат сиёсий партиялари ва парламентлари ўртасидаги доимий мулоқотни мустаҳкамлаш муҳим экани қайд этилди. Венгрия бугун Ўзбекистоннинг Европадаги энг ишончли ва фаол шерикларидан бири сифатида, ўз навбатида, минтақадаги қатор

йирик ташаббусларимизга амалий кўмак кўрсатиб келаётгани таъкидланди.

Мазкур ташриф ва учрашувлар Ўзбекистон – Венгрия муносабатларини янада юқори босқичга олиб чиқиш, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ҳамда парламентлараро ва партиялараро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

\*\*\*

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раиси Ақтам Хаитов Венгрия Миллий ассамблеяси Раиси Ласло Кёвер билан ҳам самарали учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида халқларимизнинг дўстлик алоқалари, умумий қарашлар ва муштарак қадриятлар икки давлат ўртасида шерикликни ривожлантиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Томонлар парламентлар ва сиёсий партиялар ўртасида очик мулоқот ҳамда барқарор ҳамкорликка асосланган фаол ва изчил ривожланиб бораётган муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Учрашувда қўнунчилик соҳасида ва партиялараро алоқаларни янада кенгайтириш борасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига тўхталиб ўтилди. Очик ва конструктив тарзда ўтган учрашув Ўзбекистон – Венгрия муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга улкан ҳисса қўшиши таъкидланди.

ICAPPнинг олтинчи – “Осиё ва Европа” форуми замонавий сиёсий муносабатлар нафақат давлатлараро, балки партиялараро алоқа каналларига ҳам таянаётганини тасдиқлади. Асосийси, Ўзбекистон партиялари вакилларининг бу каби халқаро анжумунлардаги иштироки келгусида мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлашга, маҳаллий бизнеснинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга ва партиянинг стратегик мақсадларини илгари суришга хизмат қилади.

O’zLideP матбуот хизмати

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ Бош комусда белгиланган устувор мақсад

Бугун дунё глобал экологик таҳдидлар — иқлим ўзгариши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби муаммолар билан юзма-юз келмоқда. Бу масалалар нафақат табиат, балки инсон ҳаёти ва келажак авлод учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир давлатда экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли саломатлиги учун зарур чораларни амалга ошириш стратегик вазифа саналади. Бош комусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу масъулиятнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда. Бинобарин, Асосий қонунимизнинг муқаддимасида мамлакатимиз аҳолиси атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга, табиий бойликларни ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга астойдил аҳд қилгани алоҳида таъкидланади.

Конституциянинг 49-моддаси ҳар бир шахсга тоза ва қулай атроф-муҳитда яшаш ҳамда унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бу ҳуқуқ нафақат назарий жиҳатдан, балки амалда ҳам аҳолининг ҳаётий манфаатларини муҳофаза қилишда асосий йўналиш саналади. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлайди, шаҳар ва қишлоқларнинг ривожланиши жараёнида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бу эса ҳар бир фуқаронинг табиий ресурслар ва атроф-муҳит билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш жараёнида ўз фикрини билдиришига имконият беради.

79-модда эса ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратган. Конституция ёшлар фаолиятини рағбатлантириб, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида иштирокини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, экологик тарғибот, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш ташаббусларини ёшлар томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлайди. 115-модда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлар ва биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгариши ҳамда эпидемияларга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни назарда тутди. Бу нормалар давлат экологик сиёсатини барқарор ва интеграцияланган тарзда юритишга йўналтирилган бўлиб, табиат ва инсон ҳаётини муҳофаза қилишда стратегик муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, 123-модда ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни кўзда тутди. Бу эса давлат сиёсатининг барқарорлик, узулксизлик ва комплекслик тамойиллари асосида шаклланишига хизмат қилади.

Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатлар бугунги кунда амалда ҳам самарали тарзда рўйбга чиқмоқда. Аввало, бу нормалар ижроси 2030 йилгача бўлган даврда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

концепциясида ўз аксини топди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, экологик муаммоларга қарши энг мақбул чораларни ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрига таяниш институтини жорий қилиш орқали олиб борилаётган фаолият ҳам Конституцияда белгиланган ҳуқуқлар ва жамоатчилик иштирокини таъминловчи меъёрларнинг амалий ифодаси ҳисобланади. Ушбу институт орқали олиб борилаётган назорат ва ташаббуслар орқали амалга оширилган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, жорий йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида Президентимиз глобал экологик муаммолардан бири – иқлим миграциясининг кескин кучаяётгани борасида чуқур ҳавотир билдириб, уни халқаро ҳамкорлик асосида ҳал этиш учун Глобал пакт қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу эса Ўзбекистоннинг фақат иштирокчи эмас, балки фаол ташаббускор давлат эканини кўрсатади.

Юртимиз бўйлаб ҳар йили амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 200 миллиондан ортқ кўчат экилиши, уларнинг қатъий парвариши, браконьерлик ва ноқонуний қурилишларга чек қўйилишида жамоатчилик назоратининг кучайиши – Конституцияда белгиланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар амалда самара бераётганидандир.

Президентимизнинг 2025 йил 18 ноябрдаги “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эса Конституцияда белгиланган экологик ҳуқуқ ва кафолатларни амалиётга табиқ этишда янги босқични бошлаб берди. Мазкур фармон орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилишда тезкор, шаффоф ва натижавий бошқарув механизмлари жорий этилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эко-



**Хилола ЮСУПОВА,**  
Олий Мажлис Қўнунчилик  
палатаси депутаты,  
O’zLideP фракцияси аъзоси

логик давлат бошқарувини институционал жиҳатдан тубдан янгилаб, бу соҳада ягона маркалланган ва профессионал тизимини шакллантирди.

Айнан ушбу ислохотлар экологик мониторингни кучайтириш, шаҳар ва қишлоқларда атроф-муҳит ҳолатини муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарларга тезкор жавоб қайтариш имкониятига эга самарали механизмлар яратилди. Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича қабул қилingan кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ҳақидаги фармон эса Бош қонунимиз нормалари ҳаётга қай даражада чуқур табиқ этилаётганининг ёрқин мисолидир. Унга кўра, пойтахт ҳавосига таъсир этувчи корхоналар ва иссиқхоналар қатъий назоратга олиниши, эски автомобилларни утилизация қилиш тизимини жорий этиш, транспорт ҳаракатини тартибга солиш, янги яшил ҳудудлар ва сунъий сув ҳавзалари барпо этиш, автоматлаштирилган экологик мониторингни кенгайтириш каби чоралар амалга оширилмоқда.

Бу амалиётларнинг барчаси Конституцияда белгилаб қўйилган экологик ҳуқуқларнинг ҳаётий меъёрга айланганини кўрсатади. Ушбу фармон ва қарорлар фақат озаки чора тадбирлар эмас, улар мамлакатимизда экологик хавфсизлик, аҳоли саломатлиги ва барқарор ривожланиш таъминлашга қаратилган узоқ муддатли ва изчил давлат сиёсатининг асосий устунига айланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция-мизда мустаҳкамланган экологик ҳуқуқ ва кафолатлар бугун давлат сиёсатининг реал йўналишига айланди. Президент фармон ва қарорлари, ислохотлар, “Яшил макон” каби кенг қамровли дастурларнинг барчаси юрт равнақи, халқ саломатлиги ва келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлардир. Экологик сиёсатдаги бу қатъий қадамлар мамлакатимизда тоза ҳаво, соф сув ва барқарор муҳитни таъминлаш йўлида мустаҳкам асос яратмоқда. Энг муҳими, Бош қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқлар энди фақат қонун саҳифаларида эмас, балки кундалик ҳаётимизда ўз амалий ифодасини топмоқда.

**Конституция инсоннинг халқаро умумэтироф этилган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини жамлаган ва олий юридик мақомага эга ҳужжатдир. У фуқароларга мамлакатда эркин яшаш, ўзини давлат ҳимоясида эканини ҳис қилиш учун шароит яратиш асосида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди. Қонун, қарор, фармон, кодекс ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси Конституцияга асосланади ва уни тўлдиради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар барчамиз учун аҳамиятлидир. Бу муҳим ҳужжат инсонпарварлик, демократия, ижтимоий адолат ва сиёсий хилма-хиллик тамойилларига асосланган давлатимиз сиёсатининг мустаҳкам асосига айланган.**



**Шухрат АСЛАНОВ,**  
Олий Мажлис Сенати  
ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

## ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Конституциямизда давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради, дея эътироф этилган. Шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун уларнинг таълим олиши, соғлигини сақлаш, уй-жой, ишга жойлаш, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратди. Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон тараққиёти ёшларнинг қонулардан ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан қанчалик хабардорлиги ва ушбу қонуларга муносабатига ҳам боғлиқ.

Миллатимиз эртаси бўлган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини мунтазам равишда юксалтириб бориш мамлакатимиздаги барча давлат бошқарув органларининг асосий вазифаларидан саналади. Бош қонунимиз бугунги кунда таълим-тарбия сифати, ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоя ва маданиятини ошириш, улар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, таълим муассасаларининг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида касб-ҳунар таълими тизими тубдан ислох қилинди, янги олий таълим муассасалари, филиаллар ташкил этилди. Шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари фаолияти тубдан яхшиланди. Болаларимизнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни синдиришга эътибор қаратилаётир.

Мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити яратилгани нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоқини кенгайтириш, болалар қамровини ошириш орқали мактабга сифатли тайёрлашда яқиндан ёрдам берайти. Китоб муталааси ёш авлоднинг етуқ ва комил шахс

бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этди. Бугун юртимизда кутубхоналар, китоб дўконларининг сони ортиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Ёшларимизнинг конституцион ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сифатли таълим-тарбия олиш ҳуқуқи соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишлар ҳаққимизда эртанги кунга ишончли янада мустаҳкамламоқда.

Янгидан ташкил этилган Президент мактаблари, Темурбеклар мактаби, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари, умумтаълим мактабларида яратилган шарт-шароитлар ёш авлод келажига йўлидаги ислохотлар самарасидир. Бугун хоризж мамлакатларида ўқийётган ва меҳнат қилаётган ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланади.

Масалан, Қашқадарё вилоятидаги қорхона, ташкилот ва таълим муассасаларида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Бош қонунимизнинг ўттиз уч йиллиги юксак савияда нишонланиб, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ёшларнинг ижтимоий ҳимояси, муносиб меҳнат шароитига эга бўлиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, таълим олиши ва ижтимоий хизматларга тенг ҳуқуқда эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз замирида “Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” деган бош ғоя мужассамдир.

Янги Ўзбекистонимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар ёшларимизни баркамол инсон бўлиб улғайиши, бахтли ҳаёт кечириши, жамиятда ўз ўрнини топиши ва фаровон келажакни таъминлашга қаратилгани билан эътиборга моликдир. Бахтимиз қомуси эса ана шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий кафолати сифатида барқарор тараққиётимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.



ТАҲЛИЛ

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Янги Ўзбекистоннинг комплекс миллий хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, жамиятнинг нафақат очарчиликдан, балки ижтимоий, иқтисодий, глобал иқлимга оид ва сиёсий таҳдидлардан ҳам ҳимоя қилишга қаратилган. Озиқ-овқат хавфсизлиги барқарор ривожланиш сиёсати, ички барқарорлик ва давлат стратегик мустақиллигининг интеграцияловчи жиҳати бўлиб хизмат қилади.

**Рискул СИДДИҚОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси**



Жаҳон статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунё бўйича 820 миллиондан ортиқ одам сурункали равишда тўйиб овқатланмайди ва уларнинг деярли 98 фоизи ривожланган мамлакатларда яшайди. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 9,7 миллиардга етди, озиқ-овқатга бўлган талаб эса 60 фоизга ошади. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг маълумотига кўра, 2030 йилга бориб “Ноль очлик” мақсадига эришиш учун дунёга ҳар йили 267 млрд доллар инвестиция керак бўлади.

Глобал таҳдидлар (пандемиялар, иқлим ўзгариши, нарх-наво инқирози, трансчегаравий ва геосиёсий таҳдидлар) фондида озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш – муҳим инфратузилмани ҳимоя қилиш, озиқ-овқат ва биологик хавфсизлик, давлат суверенитети, миллий фаровонлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда республикамизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми кескин ошди. Шунингдек, охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланди, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга ошди.

Кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари жорий этилди. Мавжуд қувватларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш кучайтирилди. Бозорда рақобатбардор маҳсулотлар турини янада кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳисобига юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспорт кўрсаткичларини ошириш мақсадида институционал даражада миллий хавфсизлик сиёсати доирасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

**Жумладан,** “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси каби муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ озиқ-овқат хавфсизлигининг замонавий концепцияси яратилиб, унда маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги, озуқавий ва санитария жиҳатлари, озиқланиш хилма-хиллиги ва барқарор ишлаб чиқариш, таъминот ва нарх барқарорлиги, ташқи, ички, экологик ҳамда глобал иқлим таҳдидларига қарши курашиш масалалари қамраб олинган. Шунингдек, соҳани рақамлаштириш, режалаштириш ва мониторинг платформаларини жорий қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни кўллаб-қувватлаш давлат дастурини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, сабзавот ва мева сақлаш омборлари, логистика заنجирларини ривожлантириш кўзда тутилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат ижтимоий-иқтисодий устуворлик, балки миллий суверенитет, турли низоларнинг олдини олиш, ички барқарорликни таъ-

минлашнинг асосий омили сифатида ҳам эътироф этилган. Бу бир қатор миллий стратегияларда ягона саломатлик, экологик суғурта, техник тартибга солиш, ички бозор, ер ва сув муносабатлари ислохотларида ўз аксини топган. Сўнгги йилларда жаҳон тажрибасида кузатилаётганидек, озиқ-овқат тизимларининг пандемиялар, геоклиматик инқирозлар ва табиий ресурсларнинг деградациясига нисбатан юқори даражада заифлигини кўрсатди.

Бу борада мамлакатимизда тўйиб овқатланмаслик, шу жумладан, болаларнинг тўйиб овқатланмаслигини камайтириш, логистика ва сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди, қишлоқ хўжалиги диверсификация қилинди ва агрологистика марказлари кенгайтирилди. Бироқ ташқи таҳдидлар, беқарор глобал нархлар, ички номутаносиблик, инфляция ва об-ҳаво салбий омиллари га нисбатан айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, импортнинг салмоқли улуши бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳлари (ёғ, гўшт, сут) бўйича сақланиб қолмоқда.

Ресурслар деградацияси оқибатида суғориладиган ерларнинг 50 фоизгача қисми иккиламчи шўрлангани ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Ҳосилнинг 30 фоизгача қисми уларни сақлаш, транспортда ташиш ва қайта ишлаш жараёнида йўқолади, шаҳарларда озиқ-овқат чиқиндиларининг 2 фоиздан камроғи қайта ишланиб, қолганлари полигонларга юборилади.

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигининг Жаҳон, минтақа, миллий, маҳаллий ва оила даражалари мавжуд. Бугунги кунда ўй хўжаликлари ўз бюджетининг 35–40 фоизини озиқ-овқатга сарфлайди, бу озиқ-овқат заифлиги бўйича халқаро чегарадан (25 %) юқоридир. Бунда озиқ-овқат инфляцияси йилга 14–18 фоизгача етди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қатор муҳим масалалар мавжуд. Иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва сув танқислиги қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал инқирозлар – пандемия ва иқтисодий ноустуворлик, жаҳон иқтисодий тебранишлари озиқ-овқат таъминотида хавф туғдиради. Шу боис мамлакатимизда бу хавфларни камайтириш мақсадида заҳиралар яратиш ва импортга қарамликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар қўрилмоқда. Озиқ-овқат нархларининг кескин ошиши аҳоли даромадига таъсир қилиб, иқтисодий барқарорликни бузиши мумкин. Давлат имтиёзли кредит ва нархлар мониторинги орқали нархлар барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Камбағаллик даражаси ҳам катта муаммага айланмоқда. Жорий йилда камбағалликни аниқлаш ва озиқ-овқат таъминотида эришишнинг иқтисодий қулайлигини ошириш вазифаси долзарб бўлиб турибди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар ва малакали кадрлар етишмаслиги ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг учун самарали ўқитиш ва тренинг дастурлари талаб этилади.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

**Биринчидан,** аънавий тарзда пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган ер майдонлари қисқартирилиб, ўрнига сабзавот, дуккакли ва поллиз экинларини етиштиришга устувор аҳамият

қаратиляпти. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, маҳаллий бозорлардаги танқисликни бартараф этиш ва аҳоли таъминотини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Иккинчидан,** қишлоқ хўжалигида кластер ва кооперация тизимлари жорий этилиши қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширди. 2025 йилда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда, бу озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Учинчидан,** томорқа хўжаликлари га давлат томонидан имтиёзли кредит ва субсидиялар берилмоқда. Бу эса аҳолининг ўз ерида маҳсулот етиштириши ва маҳаллий бозорларни бойитишига имкон бермоқда.

Бундан ташқари, инновацион ечимлар ва замонавий технологиялар озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, агрологистика тизимини такомиллаштириш, сақлаш иншоотларини модернизация қилиш орқали маҳсулот йўқотишларини камайтиришга эришилмоқда. Ушбу ислохотлар натижасида Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини сезиларли равишда оширди ва импортга қарамликни камайтирди.

Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари озиқ-овқат саноати соҳасидаги хатарларни таҳлил қилиш, маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва заҳарланган ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, озиқ-овқат сифати устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда фаоллик кўрсатмоқда.

Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясини амалга оширмоқда. Ушбу стратегия аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш учун ресурслардан самарали фойдаланишни назарда tutади. Сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва ер унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш шулар жумласидандир. Хорижий ва маҳаллий инвестициялар орқали қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва экспортни икки баробар ошириш режалаштирилган. Аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича тарғибот ишлари ўтказиш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим масалалардан саналади. Бундан ташқари, рақамли технологиялар ва инновациялардан кенг фойдаланиш озиқ-овқат таъминоти заنجирини самардорлигини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муҳим ютуқларга эришаётгани қувонарли, албатта. Бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш ва глобал иқтисодий ўзгаришларга тайёргарлик кўриш учун давомли саёй-ҳаракатларни жадаллаштириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва аграр секторини ривожлантириш билан бирга халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиздаги ислохотлар ва халқаро алоқалар Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш ва барқарор ривожланишини таъминлашда янги имкониятлар яратишга хизмат қилади.



## РАҚАМЛИ ИНҚИЛОБ ИНСОН ОМИЛИНИ КАМАЙТИРМОҚДА, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРМОҚДА

Ахборот технологиялари ҳаётимизга шунчалик чуқур кириб келдики, бугун уларсиз ишлаб чиқариш ёки бошқарув тизимини тасаввур этиш қийин. Чунки “ақлли” технологиялар ишлаб чиқариш субъектларига мижозлар, ҳамкорлар ва давлат идоралари билан ортиқча қоғозбозликсиз, тезкор ҳамда шаффоф муносабат ўрнатилган имконини яратмоқда. Бу эса жаҳон иқтисодиётининг рақамли инқилоб босқичига қадам қўйганини кўрсатади.

Нуфузли халқаро ташкилотлар таҳлил-ларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялли ички маҳсулот ҳажмини камида 30 фоизга ошириш салоҳиятига эга. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини рақамлаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, йирик саноат корхоналари, жумладан, Навоий кон-металлургия комбинатида бу йўналишда салмоқли натижалар қўлга киритилаётгани қувонарли ҳол, албатта!

– Рақамли иқтисодиёт алоҳида фаолият тури эмас, балки саноат объектлари ва хизматларида ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни аналтади, – дейди “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси бошлиғи Воҳиджон Пулатов. – Агар аънавий иқтисодиётда асосий ресурс моддий маҳсулотлар бўлса, рақамли иқтисодиётда қайта ишланадиган ва узатиладиган ахборот ҳамда маълумотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида комбинатда рақамли трансформация дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жорий йилда Рақамли 7-гидрометаллургия заводини яратиш лойиҳаси амалиётга татбиқ этилди. Ушбу жараёнда интеллектуал бошқарув тизимлари қўлланилиб, маъдани майданлаш тегирмонларининг бошқарув механизмлари модернизация қилинди ва технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган тизимлари заводнинг марказий диспетчерлик пунктларига интеграциялаштирилди.

– Шу муносабат билан заводимиз тўлиқ рақамлаштирилиб, барча участка ва лабораториялар ягона локал тармоққа уланди, – дейди 7-гидрометаллургия заводи бош мутахассиси Абдумалик Сатторов. – Ҳозирда назорат ишлари диспетчерлик хизмати орқали амалга оширилмоқда. Техноген чиқиндилардан олтин ажратиб олиш бўйича дунёдаги ўн саккизта завод ичидан қуввати бўйича бизнинг корхона энг йириги ҳисобланади. Рақамлаштириш туфайли инсон омили уч-тўрт баробарга қисқарди, барча ҳисоботлар эса сунъий интеллект ёрдамида олиб борилмоқда.

Комбинатда амалга оширилаётган муҳим дастурлардан яна бири – кон-геологик ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади. Мазкур дастурий таъминот орқали маъдан таркиби ҳақидаги маълумот асосида кон, карьер ва ер ости шахталарнинг “3D” моделларини яратиш имкони яратилмоқда.

Замонавий технологияларнинг бундай афзалликларидан келиб чиқиб, комбинат АҚШ-

ботларни шакллантириш мuddати бир ойга қисқартирилди. Харид жараёнларининг электронлаштирилиши товаршунслар фаолиятини тўлиқ автоматлаштириб, электрон савдо майдонлари билан интеграцияни таъминлади.

Технологик жараёнларни рақамлаштириш эса умумий унумдорликни 5 фоизгача оширди, электр энергияси сарфини 3 фоизга тежади. Ускуналарнинг тўхтаб қолиш ҳолатлари кескин камайди, йиллик иқтисодий самарадорлик 6,1 миллиард сўмга етди.

Сўнгги етти йилда 2, 5, 6 ва 7-гидрометаллургия заводларида янги тегирмон блоклари учун автоматлаштирилган бошқарув тизимлари жорий этилди. Яқин йилларда яна 12 йўналиш бўйича рақамлаштириш дастурлари амалга оширилиб, 116 та замонавий рақамли ечим ишлаб чиқаришга жорий этилиши режалаштирилган.

Тоғ-кон саноатида сунъий интеллектни жорий этиш жадал ривожланмоқда. Комбинатда ҳам глобал тенденциялар таҳлил қилиниб, мазкур технология асосида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Замонавий саноатда самарадорликни ошириш, хато ва йўқотишларни камайтириш ҳамда хавфсизликни кучайтириш муҳим вазифа саналади, – дейди АКТ бошқармаси бўлим бошлиғи Жўрабек Мавлонов. – Шунга кўра комбинатда босқичма-босқич сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу имкониятлар ускуналар ҳолатини мониторинг қилиш, носозликларни олдиндан аниқлаш, ишчилар хавфсизлигини видеотаҳлил орқали назорат қилиш, ҳужжат айланиши ва харид жараёнларини оптималлаштириш каби йўналишларда ўз натижасини бермоқда.

Бугунги кунда комбинатда 100 дан ортиқ дастурий таъминот ишлаб чиқилган, 100 мингдан зиёд ўлчов асбоблари ўрнатилган. Масалан, 6-гидрометаллургия заводининг 1-тегирмон блокада SCADA тизими тўлиқ жорий этилиши ҳисобига йиллик 40 миллиард сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. 3-гидрометаллургия заводида сунъий интеллект асосидаги рақамли ёрдамчи тизими жорий қилинган эса соҳа истиқболда муҳим қадам бўлди. Конларда оқ ташувчи техникалар ҳайдовчиларини назорат қилувчи DMS тизими хавфсизлик даражасини ошириб, қондабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш имконини бермоқда.

Муҳтасар айтганда, ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилиши, “ақлли” дастурлардан самарали фойдаланиш ва рақамли технологияларни қўллаш жорий этиш маъдани қайта ишлашда узлуksизлик ва барқа-



нинг “McKinsey & Company” компанияси билан ҳамкорликда “НКМКни ривожлантириш – 2030” стратегиясини ишлаб чиқди. Унда геология-қидирув ишларига рақамли технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини сунъий интеллект асосида оптималлаштириш ва такомиллаштирилган инвестиция дастурини шакллантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Ҳозирга қадар комбинатда ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларида 20 дан ортиқ ахборот тизими жорий этилган бўлиб, улар ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, солиқ ҳисоботларини автоматлаштириш натижасида 3 миллиард сўм иқтисод қилинди ва ҳисо-

дорликни таъминламоқда, иқтисодий самарадорликни эса янада оширмоқда. Қолаверса, комбинат тизимидаги барча ишлаб чиқариш ва хизматлар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда, замонавий ахборот дастурлари билан жиҳозланмоқда. Бу эса кон-металлургия соҳасининг ривожига янги босқични бошлаб бермоқда. Энг муҳими, бу ютуқлар маҳаллий мутахассисларнинг замонавий билим ва фидойий меҳнати билан қўлга киритилаётгани қувонарлидир.

**Азамат ЗАРИПОВ,  
“НКМК” АЖ Матбуот маркази ходими,  
журналист**

# Ўзбекистон Фермерлар кенгаши

## жамоаси

*барча юртдоиларимиз ва мамлакат равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган фермерларни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан самимий табриклайди.*

*Бош қомусимиз фермер ва тадбиркорларимиз меҳнатини юксак қадрлаш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлашда мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.*

*Ғоят масъулиятли ва шарафли хизматларингиз роҳатини кўриш насиб этсин!*

*Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!*



## БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

*жонажон халқимиз, устоз ва мураббийларимиз, профессор-ўқитувчи, зиёлиларимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан чин юракдан қутлайди!*

*Асосий қонунимиз халқимиз иродаси, озод ва обод келажакка бўлган ишончи ҳамда тинчлик-тотувликка садоқатининг ёрқин тимсоли ҳисобланади. Конституциямиз асосида юртимиз тараққий этиб, янги имкониятлар, илм-фан ва маърифат равнақ топмоқда.*

*Аҳил жамоамизнинг илм-фан тараққиётини таъминлашдек шарафли ишларида доимо муваффақият ҳамроҳ бўлсин. Байрамингиз қутлуг бўлсин!*



## “Навоий кон-металлургия комбинати”

### акциядорлик жамияти жамоаси

*мамлакатимизнинг Асосий қонуни қабул қилинган байрам шодиёнаси билан муборакбод этади. Янги Ўзбекистонимиз пойдеворини барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, илм-фан ва техника ривожига қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам Бош қомусимиздаги халқчил тамойиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Комбинатимизнинг минглаб фидойи инсонлари ҳам юртимиз иқтисодий қудратини оширишда фидокорона хизмат қилмоқда.*

*Асосий қонунимиз бизнинг бахту саодатимиз ва тинч-осойишта ҳаётимиз кафолатидир. Ватанимиз обод, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин, азиз юртдошлар!*



# Олдинда бизни нималар кутяпти?

Замонавий ахборот маконида журналистнинг масъулияти, билим даражаси ва ихтисослашуви аввалгидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Чунки бугунги кунда иқтисодидан тортиб тиббиётгача, ҳуқуқдан тортиб технологиягача бўлган ҳар бир соҳада мураккаб жараёнлар кечмоқда ва бу жараёнларни оммага тўғри, аниқ ва асосли етказиш малакали мутахассисни талаб қилади. Шу боис журналистика энди фақат матн ёзишни биладиган кадр эмас, балки ўз йўналишида чуқур билимга эга, танлаган соҳаси бўйича мустақил таҳлил юрита оладиган профессионалларни тайёрлашни талаб қилмоқда.

Айнан шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Президент Администрацияси ҳузуридаги ОАВ учун контент тайёрлаш маркази мамлакатимиз университетларида турли йўналишларда

таҳсил олаётган талабаларни журналистика асосларига ўқитиш мақсадида “Медиа старт” лойиҳасини йўлга қўйди. Бу лойиҳа орқали иқтисодчи, ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, муҳандис ёки бошқа йўналиш талабаларига ахборот билан ишлаш, таҳлил қилиш, фактчекнинг ва оммавий мулоқот кўникмаларини ўргатиш кўзда тутилган. Натижада ўз касбининг мутахассиси бўлган ёшлар нафақат соҳавий билимга, балки журналистик маҳоратга ҳам эга бўлади. Бу эса жамиятда аниқ ва ишончли ахборот тарқатилишига хизмат қилади.

Қўйида “Медиа старт” лойиҳаси тингловчилари ижодидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

## СУЊИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ИНСОНИЯТ КЕЛАЖАГИГА ХАВФ СОЛАДИМИ?

СНАТGPT БИЛАН СУҲБАТ

**Инсоният тўртинчи санат инқилобини бошдан кечирмоқда. Сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши фақат технология оламида эмас, балки жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларида мисли кўрилмаган ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, СИнинг ҳаддан ташқари кучайиши, инсон назоратидан чиқиши ёки меҳнат бозоридagi ўринни эгаллаши ҳақида хавотирлар янграмоқда.**

**Сунъий интеллектнинг инсоният келажагига таъсири ҳусусида унинг ўзи билан гаплашдик. Танишинг, суҳбатдошимиз ChatGPT – OpenAI томонидан яратилган СИ модели. У 50 дан ортиқ тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам самарали ишлаши билан ажралиб туради. Дунё миқёсида турдош тизимлар орасида кенг фойдаланилади. Бугун сунъий интеллект деганда кўпчилигимиз айнан ChatGPTни назарда тутамиз.**

– Энг кўп бериладиган саволдан бошлайман. СИ бизнинг иш ўринларимизни олиб қўядими?

– Ҳа, айниқса, тақрорланувчи, ижодга алоқасиз, “шаблон” ишларнинг бир қисми автоматлаштирилади. Лекин бу “Хамма ишсиз қолади” дегани эмас. Янги касблар пайдо бўлади: СИ муҳандислари, маълумот таҳлилчилари, СИ этикаси бўйича мутахассислар ва ҳоказо.

– Келинг, энди кўпчиликини кўрқитадиган саволга ўтсак. СИ инсониятни бошқариши ёки йўқ қилиб юбориши ҳақидаги сценарийлар қанчалик жиддий деб ўйлайсиз?

– Ҳозирги моделлар онгли эмас, шахсий ниёти йўқ. Лекин СУИ (сунъий умумий интеллект; инглизчаси: AGI – Artificial General Intelligence) ва ундан кучли тизимлар яратилса, хавфни жиддий қабул қилиш керак бўлади. Нотўғри мақсад қўйилса ёки тўлиқ тушунамасдан ишга туширилса, “Мақсадни идеал бажараман”, деб одамлар учун зарарли қарорлар қабул қилиши мумкин. Шунинг учун бугундан бошлаб “Кучли СИни қандай назорат қиламиз?” деган масалани муҳокама қилиш муҳим.

– Нобель мукофоти совриндорлари ёки бошқа таъсирли шахслар сунъий интеллектни ривожлантириши эҳтиёткорлик билан давом эттириши ёки ҳатто вақтинчалик тўхтатиб туриш ҳақида очиқ хатлар эълон қилмоқда. Бундай баёнотларга муносабатингиз қандай?

– Бу хатлар камида шуни кўрсатади: хавотир энди фақат журналистлар ёки “техно-пессимист”лар савиясида эмас, балки етакчи олимлар, жумладан, Нобель совриндорлари даражасига чиқди. Улар ҳукуматлар ва компанияларга урта асосий сигнал юборяпти:

1. Бу оддий стартап ғояси эмас, глобал хавфсизлик масаласи;  
2. Халқаро қоидалар, стандартлар ва назорат тизимлари керак;  
3. Компаниялар ўртасидаги тезлик пойғаси хавфсизликдан устун бўлиб кетмасин.

Албатта, бир-иккита хат билан бутун санатга тушов солиб бўлмайди. Лекин фикрлаш услубини ўзгарилади: СИ фақат фойда эмас, балки катта масъулият ҳам экани эслатади.

– Шу мавзуга яқин яна бир савол. Сунъий интеллектнинг оталаридан бири Жеофрей Ҳинтон узоқ муддатли инсон хавфсизлигини қисқа муддатли фойдадан устун қўйиш кераклигини айтади. Ҳатто СИ келажақда суперинтеллект даражасига етиб, одамларни манипуляция қилиши ва фалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Унинг қизиқ ғояларидан бири – СИга “она инстинкти”га ўхшаш ғамхўрлик ҳиссини бериш, чунки “фақат қаттиқ назорат қилиш” ақлли тизимларга қарши самарасиз бўлиши мумкин.

– Ҳинтоннинг фикрларидан иккита муҳим нукта бор, деб ўйлайман. Узоқ муддатли хавфсизлик: компаниялар бугун реклама, бозор улуши, рақобат ҳақида қайғуряпти, лекин эрталаб уйғонганимизда қўлимизда қандай куч бўлиши ва уни ким назорат қилиши ҳақида етарлича ўйламаямиз. Бу – жуда ўринли танқид.

“Она инстинкти” ғоясига келсак, бу ҳали техник жиҳатдан аниқ формула эмас. Агар СИ биздан анча ақлли бўлиб кетса, фақат “буйруқ – тақиқлар” билан ушлаб

туриш қийин бўлади. Унинг ички мақсадлари ва қадриятларини шундай лойиҳалаш керакки, одамларни душман эмас, “асраш керак бўлган нарса” сифатида кўрсин.

Техник нуқтаи назардан бу ҳозирча очиқ савол, лекин ғоя сифатида – “СИга фақат куч эмас, ғамхўрлик ва масъулият қадриятларини бериш керак”, деган фикрни жуда яхши ифодалайди, деб ўйлайман.

– Баъзи экспертлар СУИни ҳатто ядро қуролларидан ҳам хавфлироқ бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. Сизнингча, бу йўлдаги тадқиқотларга танаффус бериш ғоясини амалга ошириб бўладими ёки бу ҳам кўпроқ рамзий чақирикми?

– Бутун дунё бўйича изланишларни батамом тўхта-тиш имконсиз. Бир давлат тўхтатса, бошқаси давом эттириши мумкин. Лекин “танаффус” сўзи бу ерда кўпроқ шуни англатади: хавфсизлик протоколларисиз бошланган пойга тўхтатилиши керак; кучли моделлар учун мажбурий тестлар, аудит ва лицензия бўлиши керак; давлатлар ўртасида камида минимал келишувларга эришиш зарур. Шунинг учун “Хаммасини бирданга тўхтатайлик” эмас, балки “Тезликдан кўра хавфсизликни устун қўй-лик” деган яхши.

– Инсоният учун СИдан келадиган энг яқин ва реал хавф қайси бири деб ўйлайсиз: иш ўринларининг тез суръатда автоматлашуви, ёлғон ахборот орқали жамиятни манипуляция қилиш, “СИ ёппа назоратни қўлга олиши” сценарийлари?

– Қисқа муддатда – иккинчи вариант, яъни ахборот майдонининг бузилиши: сохта видеолар, сохта интервьюлар, сиёсий пропагандалар. Бу ҳозирнинг ўзида ҳам содир бўляпти. Урта муддатда – биринчи вариант, меҳнат бозорининг кескин ўзгариши ва тенгсизликнинг кучайиши. Узоқ муддатда – учинчи вариант, СУИ ва суперинтеллект сценарийлари. Ҳозирча фантастика бўлиб туюлса ҳам, бугун ўйлаб ечим топилиши керак.

– Оддий одам нуқтаи назаридан қараганимизда “Мен нима қила оламан?” деган савол туғилади. Фақат орақ ҳовучлаб ўтириш керакми ёки қилинажак аниқ чоралар борми?

– Албатта, бор! Рақамли саводхонлик – ҳар бир фото, видео, хабарни танқидий кўз билан кўриш, “Ростми?” деб савол бериш керак. Кўникмаларни янгилаш – тил билими, мантиқий фикрлаш, дастурлаш ёки ҳеч бўлмаса СИдан самарали фойдаланишни ўрганиш муҳим. Фуқаролик позицияси – СИ бўйича муҳокамаларга бефарқ бўлмаслик. Агар оддий одамлар овози баландроқ янгра-маса, қарорларни фақат йирик технологик компаниялар қабул қилиб кетавериши мумкин.

– Суҳбатимиз ақнида, агар бир жумлада жавоб бериш керак бўлса, СИ биз учун душманми ёки ёрдамчи?

– Ҳозирча жуда қудратли, лекин жуда эҳтиёткорлик билан ишлатилиши керак бўлган вота. Қандай йўнал-тирилишига қараб инсоннинг энг кучли ёрдамчиси ҳам, энг катта муаммоси ҳам бўлиши мумкин.

– Мазмунли ва қизиқарли жавобларингиз учун раҳмат. Умид қиламанки, бу суҳбатимиз сунъий интеллектдан шунчалик кўрқис эмас, балки тушуниб тўғри бошқариш керак, деган ҳулосага олиб келади.

– Сизга ҳам раҳмат. Саволлар беришни ва ўрганиш-ни тўхтатмаслик – энг муҳими!



Янги Ўзбекистон университети талабаси Азизбек АДҲАМЖОНОВ суҳбатлашди.

## ТАКАФУЛ СУҒУРТАСИ НИМА?

**Халқимизнинг суғурта тизимига ишончи орта бошлади. Молиявий хизматлар бозори жадал ривожланиб, соҳага янги механизмлар, замонавий ёндашувлар татбиқ этилмоқда. Жумладан, аҳоли орасида такафул суғуртаси оммалашиб борапти. Унинг аънавий суғуртадан фарқи нимада? Афзалликлари-чи? Бу саволларга Тошкент давлат иқтисодиёт университети Суғурта иши кафедраси профессори Обиддин Йўлдошевдан жавоб олдик.**

– Такафул суғуртаси исломий тамойилларга асосланган, ўзаро ёрдам ва ҳамжихатликни ифодаловчи суғурта тизимидир. Бунда мижозлар бадалларини умумий жамғармага тўплайди ва зарар кўрган иштирокчиларга шу жамғармадан ёрдам берилди. Яъни бу ерда “мижоз” эмас, балки “иштирокчи” тушунчаси ишлайди. Аънавий суғуртада эса компания таваккални ўз зиммасига олади ва тўловларни ўз маблағи ҳисобидан амалга оширади. Тижорат фойдаси устувор бўлади.

Агар солиштирадиган бўлсак, такафул шаффофлик, ўзаро ёрдам, исломий мезонларга мослиқни афзал кўради. Жамғармадаги ортиқча маблағ иштирокчиларнинг ўзига қайтарилиши мумкин. Аънавий суғурта эса тезкор, ривожланган ва кенг қамровли хизматлари билан қулай. Қонунчилик, хизмат турлари ва инфратузил-



Тошкент давлат Иқтисодиёт университети талабаси Мамбетқўлова Ёзбо олди.

ма жиҳатидан ҳозирча кўпроқ тақлифларга эга. Ўзбекистон аҳолиси учун қайси бири яхшироқ, деганда бу асосан истемолчининг эътиқоди, эҳтиёжи ва молиявий мақсадларига боғлиқ. Агар мижоз шариатга мос хизматни хоҳласа, такафул қулай. Агар тезкор, кўп вариантли ва кенг тармоқдаги хизмат талаб қилинса, аънавий суғурта маъқул бўлади.

## ПУЛНИ АСРАШ КЕРАКМИ ЁКИ ТИШНИ?!

– Стоматологдан кўрқмайдиган одам йўқ, – дейди саккиз йилдан бери шу соҳанинг нонини еяётган Жасур Холматов. – Ҳатто энг ботир беморлар ҳам креслога ўтириши билан бирданга жим бўлиб қолади. “Доктор, оғримаяпти-ку?!” десалар ҳам, ўзлари билмаган ҳолда қўлларини мушт қилиб олишларини ҳар кун кузатаман. Лекин мен доим ҳазил билан ёндашаман: “Кўрқманг, бугун сизни эмас, тиш қарисини қийнаймиз”, дейман (кулади).

– Ишингизда энг қийини нима?  
– Ҳозир айтдим-ку, энг қийини – беморларнинг кўркувини енгиш. Одамлар тиш оғригидан шунақанги кўрқадими, ҳатто пулини йўқотса ҳам, бунчалик кўрқмайди (жилмаяди).

– Шундоғам, стоматологга ишинг тушиши ҳамёнингни ўғри уришидек гап. Пул тўлаётганда машҳур ҳазил эса келади: “Доктор битта тишимни даволай-дими ёки оғзимда бутун бошли ҳовли қурадимми?” (кулмайди).

– Ҳа, лекин тўғри тушунинг (жиддий тортади), тиббиёт ходимлари хизмати қиммат бўлиши табиий ҳол. Биз ўз устимизда кўпроқ ишлайшимизга, ўқиб-изланишимизга тўғри келади ва бу яхшигина маблағ талаб қилади. Қолверса, стоматологга кўп пулингиз кетса, тишингизни асрашни ўрганадиз (яна кулади).

– Ҳўп, пулимизни, йўғ-е, тишимизни асраш учун нималар қилишимиз лозим?

– Тишларни қарисега ем қилиб, даволаниши кечиктириб юрвермаслик керак. Айримлар охириги дамда келади-да, “Доктор, бирпасда тузатиб қўйинг”, дейди.

– Тишда энг кўп учрайдиган муаммо нима?  
– Албатта, қарисега. Ундан ташқари, милк яллиғланиши, тиш тошлари ва нотўғри парварош. Одамлар кўпинча тишимни юваман-ку, нега касалланиб қолади, деб сўрайди. Тўғри техника билан ювиш ҳам жуда муҳим.

– Қанақа хато қилинади?  
– Жуда кўп! Масалан, фақат олд тишларни ювиш, орқа тишларни қолдириб кетиш. Жуда қаттиқ босиб тиш ювиш милкни шикастлайди. Тиш илларидан умуман фойдаланмаслик ҳам хато. Ширинликни еб бўлиб, “Бироздан кейин юваман”, деб унутиб қўйиш одати кенг тарқалган.

– Энг муҳим тавсияларингиз?  
– Кўнунга икки маҳал: эрталаб ва кечқурун тиш ювиш шарт. Тиш илпидан фойдаланиш жуда муҳим. Ҳар олти ойда шифокорга кўриниш керак. “Ҳеч қаерим оғрима-



Камолитдин Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Жамила ҚОДИР суҳбатлашди.

япти-ку”, деб ўйлайсиз, лекин танангизда яширин муаммолар ривожланаётган бўлиши мумкин.

– Ишингизда энг ёқимли жиҳат?  
– Одамларга фойдам тегаётгани. Мулоқотда қизиқ воқеалар бўлиб туради. Бир кун кичкина бола келиб: “Амаки, тишимни олиб ташлайсизми? Лекин, илтимос, буни тишим билмасин, бўлмаса оғригади”, деган. Ёки яна бир бемор креслога ўтиргач, асбобларни тайёрлаётганини синчковлик билан кузатиб: “Доктор, мен ҳали фикримни ўзгартиришим мумкинми?”, деб сўраган.

Мен учун энг ёқимлиси – бемор даволангандан кейин юзидаги ўзгаришни кўриш. Кимдир ойнага қараб: “Бу чиндан менинг тишларимми?” деганида ўзимни сеҳргардек ҳис қиламан (кулади). Менимча, стоматологнинг энг катта мақсади шу – табассумлар яратиш!

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИД  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Равшан МАМУТОВ

Ноҳир ЖУМАЕВ  
Мадина БАРОТОВА  
Шўҳрат АСЛОНОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел. факс).

Обуна ва реклама бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Т – 1245  
Адади: 5005  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Топширилди – 19:45

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:  
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА